# Урганч Давлат Университети

Махсус сиртки булим

«Мусикий таълим» таълим йуналиши

***Матякубова Хосиятнинг***

Мусика назарияси фанидан

**«Умум таълим мактабларида метр ва улчовлар турларини урганиш»** мавзусида

РЕФЕРАТИ

Урганч-2010

**Мавзу: «Умум таълим мактабларида метр ва улчовлар турларини урганиш»**

## Режа:

Кириш

1.Ритм ва метр хакида тушунча.
2.Оддий ва мураккаб метр ва улчовлар.
3.Аралаш ва узгарувчан метр ва улчовлар.
4.Дирижёрлик коидалари.
5.Мусика маданияти дарсларида метр ва улчовлар турларини ургатиш боскичлари.

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати.

Мундарижа.

# Кириш

Узбекистон Республикасининг «Таълим тугрисида»ги Конуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида таълим тизимида руй бераётган узгаришлар мусика макткбларида укитишни хам тубдан янгилашни талаб этмокда.

Мусикий таълим укувчиларнинг маънавий, бадиий ва ахлокий маданиятини шакллантиришга, миллий гуру рва ватанпнрварлик тарбиясини амалга оширишга, ижодий махорат, нафосат ва бадиий дидни устиришга, фикр доирасини кенгайтиришга, мустакиллик ва ташаббускорликни тарбиялашга хизмат килади.

Барча укув фанлари катори мусикий таълимда хам давлат таълим стандартининг жорий этилиши миллий мусикий меросларлан тулаконли фойдаланиш имконини беради.булар оммавий халк куй ва кушикларида, хонанда ва созандаларнинг ижодий фаолияти, маком, шошмаком, бугунги замонавий мусикий фаолиятда уз аксини топди. Мусика санъатининг бу каби имкониятлари Янги авлодни тарбиялашда, уларни баркамол булиб етишишларида узига хос ва такрорланмас манба булиб хизмат килади.

Болаларга мусика сирларини ургатиш билан бир каторда уларнинг мусикий билим ва малакалари билан бирга уларда кузатувчанлик. Хотирани мустахкамлаш, образли тасаввур килиш, болаларда ижодкорлик, мустаккиллик, ташаббускорлик, бадиий ва мусикий дид каби хислатларни ривожлантириш максадга мувофикдир.

## 1. РИТМ ВА МЕТР ХАКИДА ТУШУНЧА.

Узаро богланиб, изчил келган товушлар чузими ритм дейилади.

Мусикада мовушлар чузимининг кетма-кет келиши натижасида уларнинг маълуми вакт ичида алмашиниб туришини куламиз. Товушларнингмуайили тартибда богланган чузимлари бирлашиб, ритмик туркумлар (усуллар) хосил килади. Мусика асарининг умумий ритми анна шу ритмик туркумнинг йигиндисидан таркиб топади.

Мусикада куйидаги чузимлар кулланилади: 1). асосий (жуфт булинадиган чузимлар), улар-бутун, яримталик, чораклик, нимчораклик ва х.к. 2) асосий чузимлари исталган тенг кисмларга эркин (шартли) булиш натижасида хосил булган чузимлар.

Булар каторига енг куп учрайдиган куйидаги енг куп булинишлар киради.

А) триоль-асосий чузимнинг икки кисм урнига, уч кисмга булинишидан хосил булади:

Б) квинтоль- асосий чузимнинг турт кисм урнига, йетти кисмга булинишидан хосил булади:

В) секстоль-асосий чузмнинг турт кисм урнига, йетти кисмга булинишидан хосил булади:

Г) сентоль-асосий чузмнинг йетти кисмга йетти кисмга булинишидан хосил булади:

Д) диоль-енига нукта куйилган асосий икки кисмга кисмга булинишидан хосил булади:

Е) квартоль-енига нукта куйилган асосий чузмнинг турт кисмга булинишидан хосил булади:

Чузмлар туркимига пауза хам кириш мумкин, туркимдаги бир чузимга тенг булади:

Асосий чузимларнинг булардан хам майдарок кисмларга эркин булиниши жуда ха кам учрайди. Масалан, 9, 11, ва ундан кА куп товушлардан тузилган туркимлар кам булади.

Мусикада товушлар маьлум бир вакт давомида ташкил этилади (эшитилади). Товушларнинг маьлум вактларда менг хиссаларга булиниб, алмашиб туриши мусикадабир текис харакатни хосил килади (бундай харакатга пулсатция хам дейилади). Товушларнинг анна шу харакати вактида айрим хиссалар ургуси ажралиб туради. Бу ургуларга акусит (зарб) дейилади. Акцент тушадиган хиссалар кучли хиссалар, акциент тушмайдиган хиссалар эса кучсиз хиссалар дейилади.

Кучли ва кучсиз хиссаларнинг текиз алмашиниб туриши метр дейилади. Метр хиссаси хилма-хил чузимларга ифодаланиши мумкин. Метр хиссасининг маьлум бир чузимга ифодаланиши улчов дейилади.

Улчовлар нота ёзувида икки ракам билан ёзилади. Бу ракамлар бирин-кетин юкоридан пастка куйилган булиб, калит ёнида альтератция белгиларидан сунг жойлантирилади.

Устки ракам метрдаги хиссалар сонини, куйи ракам эса мазкур улчовдаги метр хиссасини кандай чузимга ифодаланганлигини билдиради.

Мусика асарининг бир кучли хиссадан иккинчи бир кучли хиссагача булган оралиги такт дейилади.

Нота ёзувида хар бир такт нота йулини кундаланг кесиб утган вертикал чизик билан ажратилади. Бу вертикал чизик такт чизиги дейилади. Такт чизиги одатда, такт олдиндан кучли хиссани ажратиб курсатиш учун куйилади.

Агар мусика асари кучсиз хиссадан бошланса, асар бошида тулик булмаган такт хосил булиб, бунга тактолди дейилади. Тактолди купчилик холларда умумий тактни ярмидан ошмайди.

Тактолди мусика асари уртасида, унинг исталган бир кисми бошланиши олдида хам булиши мумкин.

Асар охирида ёки унинг бирор бир кисмидан сунг иккита такт чизиги куйилади. Куп холларда тактолди билан бошланган аса рёки унинг бирор кисми тулик булмаган такт билан тугалланади ва у тактолдини тулдиради.

## 2.ОДДИЙ ВА МУРАККАБ МЕТР ВА УЛЧОВЛАР

Акцентлари (кучли хиссалари) хар бир хиссадан кейин бир теккисда турадиган метрлар икки хиссали метрлар деб аталади. Акцентлари хар икки хиссадан кейин такрорланиб турадиган метрлар уч хмссали метрлар деб аталади. Уларнинг улчовлари хам шу хилда булса, оддий улчовлвр дейилади. Оддий улчовларга куйидагилар киради:

а) икки хиссали улчовлар

б) уч хиссали улчовлар.

Бир такт ичида ритмлар туркумланса, у чузимлар тур - кумланиши дейилади.

Оддий улчовлардаги чухимлар туркумланганда, тактнинг асо-сий хиссалари (метр хиссаси) бир-биридан ажратилади. Оддий улчовлардаги чузимлар туркумланиши таркибида куйидаги истисноларга йул куйилади:

1) бир хил булган барча чузимлар умумий чизик (ковургача) остига бирлаштирилади.
2) Чузими бутун бир тактни эгаллаган товуш лигасиз, ьир нота билан ёзилади.
3) Агар нота метр хиссасини бошлаб берадиган нота булса, унинг ёнига нукта куйилади.

Ноталар кандай туркумланса, паузалар хам шундай туркумланади.

Бир хилдаги оддий метрларнинг кушилиши натижасида мураккаб метрлар хосил булади. Мураккаб метр икки ва ундан хамкупрок оддий метрлардан таркиб топиши мумкин. Шунинг учун хам мураккаб метрлар вакти-вакти билан келадиган бир-неча кучли хиссага эгадир. Мураккаб метрдаги кучли вакт хиссасининг сони унинг таркибидаги оддий метрлар сонига тенг булади.

Мураккаб метр биринчи хиссасининг зарби колган зарбларга нисбатан кучлирок булади ва шунинг учун хам хиссага кучли хисса, унга нисбатан кучсизрок булган хиссага эса нисбатан кучли хисса дейилади.

Мураккаб метрларни ифодаловчи барча улчовлар хам мураккаб улчовлар дейилади. Шу сабабли, юкорида айтиб утилган мураккаб

метрларнинг таркиби хакидаги гаплар мураккаб улчовларга хам таълуклидир.

Мураккаб метрларни ифодаловчи энг куп кулланиладиган улчовлар куйидаги мураккаб улчовлардир:

а) турт хиссали улчовлар;

б) олти хиссали улчовлар;

в) туккиз хиссали улчовлар;

г) ун икки хиссали улчовлар.

Мураккаб улчовларда туркумлаш шундан иборатки, уларни ташкил этган оддий улчовлар умумий ритмик туркумлрга бирлаштирилмай, айрим-айрим мустакил туркумларга бирлаштирилади.

Товуш бирор мураккаб матнни бутунлигича эгалласа, умумий чузимли товуш шаклида (бирор нота билан) ёзилади. Баъзан эса, чузим оддий тактларга тенг келадиган, лига билан бирлаштирилган ноталар ёрдамида хам ёзилади. Бу охирги усул мураккаб улчовларни туркумлаш коидасига киради.

## 3.АРАЛАШ МЕТР ВА УЛЧОВЛАР. УЗГАРУВЧАН УЛЧОВЛАР.

Оддий метрларнинг кушилиши натижасида мураккаб метрлар хосил булади. Икки ёки бир-неча хар хил куринишдаги оддий метрлар бирлашуви натижасида мураккаб аралаш метрлар хосил булади. Бу хилдаги метрларни соддарок килиб , аралаш метрлар

деб, уларни ифодаловчи улчовларни эса аралаш улчовлар деб хам айтадилар.

Мусикада аралаш улчовлар оддий ва мураккаб улчовларга Караганда анча кам учрайди. Булар орасида беш хиссали ва етти хиссали улчов купрок кулланилади.

Аралаш улчовлар муоаккаб улчовлардан айрим хусусиятлари билан фарк килади:

1) аралаш улчовларнинг тузилиши хосил киладиган оддий улчовларинг кетма-кет келишига богликдир, бу эса кучли ва нисбатан кучли хиссаларнинг алмашиниб туришига хам таъсир этади;

2) тактнинг кучли ва нисбатан кучли хиссаларининг алмашиниб туриши теккис бормайди.

Айрим вактларда бир мусика асари ичида аралаш улчовни хосил киладиган улчовларнинг алмашиниши тартиби хам узгариб туради.Аралаш улчовли ноталарни укиш унгай булиши учун, баъзида улчовни курсатувчи асосий оакам ёнига кавс очиб, тактнинг оддий улчовларини курсатувчи ёрдамчи ракамлар хам ёзилади.

Бундан ташкари, баъзан тактда оддий улчослар бошланишини курсатувчи пунктир билан кушимча такт чизиги хам ёзилади. Мураккаб улчовли чузимлар кандай туркумланса, аралаш улчовли чузимлар хам шундай туркумланади. Аралаш улчовли чузимлар туркумланишининг хусусияти шуки, аралаш улчовлар таркибига кирадиган хар хил куринишдаги оддий улчовларнинг ритмик туркумлари тенг булмайди.

Мусикада метрнинг узгариб туриши, айни пайтда улчовнинг хам узгариб туриши холлари учрайди. Бундай улчовлар узгарувчан улчовлар дейилади.

Узгарувчан улчовларни халк кушикларида, рус классик композиторлари асарларида учратиш мумкин. Улчовлар теккис ва нотеккис алмашинадилар. Улчовлар теккис алмашса, калит белгиси ёнига каср шаклида иккита ракам куйилади. Улчовлар нотеккис алмашиниб турса, нота текстида улчовларнинг хар бир узгариши ёзиб куйилади. Бу хилдаги такт тузилиши мусикада деярли учрамайди.

## 4.ДИРИЖЁРЛИК КОИДАЛАРИ

Хор, оркестр ёки бирор бошка йирик ансамбл учун ёзилган мусика асари ижрочилигини бошкариш, кенг маънода, дирижёрлик деб тушунилади.

Кушик айтилганда ёки сольфеджиода дирижёрлик деб куйидагилар назарда тутилади: биринчидан, хисоблаб туриш, яъни такт хиссалари алмашинуви ва уларнинг чузим вактини курсатиб туриш, иккинчидан, мазкур асар темпини аниклаш.

Дирижёрлик коидалари икки, уч ва турт хиссали кул харакатрарига асосланади. Булар куйидагилардан иборат:

а) Барча икки хиссали оддий улчовлар икки силтов билан пастга ва юкорига томон дтртжёрлик килинади;

б) барча уч хиссали оддий улчовлар уч силтов билан- пастга, унгга ва юкорига томон дирижёрлик килинади;

в) турт хиссали улчовлар турт силтов билвн –пастга, чапга, унгга ва юкорига томон дирижёрлик килинади;

г) олти хиссали улчовлар олти силтов билан дирижёрлик килинади. Бу турт хиссали силтов коидасига асосланган булиб, пастга ва унгга томон силтовлар икки марта кайтарилади;

д) туккиз хиссали улчовлар туккис силтов билан дирижёрлик килинади. Бу уч хиссали силтов коидасига асосланган булиб, уч марта кайтарилади.

Темп тез келганда туккиз хиссали улчовлар хар бир силтовга учтадан хисса тугри келадиган оддий уч хиссали улчовлардек дирижёрлик килинади.

Мусикада ритм, метр ва темпнинг ахамияти нихоятда катта, чунки буларнинг хаммаси мусиканинг харакати, уйгунлашуви ва характерини белгилайди. Мусиканинг айрим жанрлари маълум бир ритм ва метрга асосланади. Бунга мисол килиб марш, мазурка, полька, вальс сингари мусикавий жанрларни куисатиш мумкин.

## 5.МУСИКА МАДАНИЯТИ ДАРСИДА МЕТР ВА УЛЧОВЛАР ТУРЛАРИНИ УРГАНИШ

Биринчи синфда мусика дарслари таълимотининг пойдевори куйилади. Шунинг учун, 1- синфдан бошлаб уларни дарсга актив кизиктириш, мусикани идрок эта билиш, мусикий кобилиятларни ривожлантириш, мусика саводини ургата бориш асосий вазифа хисобланади.

Биринчи синф укувчилари мусика хакида куйидаги билимларга эга булишлари керак: болаларнинг диккат эътиборини мусиканинг ифода воситалари- куй, регистр, темп, жанр, ладларга жалб этилади.

Иккинчи синфда мусика ритми, нутки, куй темп, динамика, улчов хакидаги маълумотлар, куникма ва малакалар конкрет назарий билимга айланади. Карточка ёзуви асосида саккизталик ва чорак ноталарни ургвтиш, уларнинг ритм усулларини овозда куйлаш дастурга киритилган. Болаларга ургатилган кушикларни икки хиссали улчовда дирижёрлик ктлиб куйлаш ургатилади («Юлдузлар», «Онажоним» ), до мажор товушкаторини икки хиссали ва уч хиссали улчовларда тактлаб куйлаш ургатилади. Чапакда ва болалар чогу асбобларида мусикага ритмик жур булиш («Гилдирагим»). Куй, суръат, усул, ритм. улчов, бугин(такт), ва бошкалар хакида тушунча берилади.

Укувчилар учинчи синфда мажор ва минор товушкаторларини икки хиссали ва уч хиссали улчовларида чорак ва нимчорак, яримталик ноталарда тактлаб (дирижёрлик килиб) куйлаш, мусика тавсифларининг шаклланишида суръат ва усулнинг ахамияти хакида тушунчага эга булишлари керак.

Укувчиларга икки ва уч хиссали улчовларда белгиланган киска куй машкларининг улчовига мувофик такт чизикларини куйиб чикиш вазифаси берилса, уларни Ушбу улчовларни узлаштириши осон булади.

Туртинчи синфда турт хиссали улчов айтим машклари ва асарлар мисолида урганилади. Уч ва турт хиссали улчовларини

кучли ва кучсиз хиссаларга таккослаш уйли билан фаркини ажратиш, чорак. Ярим ва бутун ноталарни хамда шу улчовдаги паузаларни билиш, икки, уч, турт хиссали улчовли машк ва кушикларни тинглаш ва куйлаш туртинчи синф дастурига киритилган.

Кушиклар мисолида олти хиссали улчов билан танишиш («Чаманда гул») 4-синф иккинчи чорагида утилади.

Бешинчи синфда укувчилар куйланадиган машк ва кушикларнинг улчовини аниклаб, дирижёрлик килишлари, асар усулларини доира чертиб куйлай олшлари керак.

Олтинчи синфда метр ва ритм хакида чукуррок тушунча берилади, еттинчи синфда Ушбу мавзу янада кенгайтирилади. Укувчилар билан тингланадиган асарларни бармок учида чертиб Жур булиш, доирада, кошикда ёки бирор чогу асбобида турли мусиқий усулларни чертиб курсатиш ва кайси усулларга куйлар мос тушишига доир топишмокли-машгулотлар утказиш максадга мувофикдир.

## ХУЛОСА

Укувчилар мусика санъатида махаллий услубларни махаллий шеваларига, махаллий кийим маданиятига киёслаб урганишлари, вилоятдаги махаллий мусикий анъаналар вам усика меросдан Еркин намуналар билан танишадилар, шошмаком ашула булимига доир асосий йулларни тинглаб, доира усулларини ажрата билишлари, Фаргона- Тошкент маком йулларининг узига хослиги, Хоразм макомларининг, машхур халк куй- кушиклари, касбий

мусикажанрларига доир ашула, катта ашула, достон ашуланинг ижро услуби оркали форклай олишни урганадилар

Хуллас, мусика саводи факатгина нота ёзувларини урганишдан иборат булмай, балки укувчиларнинг мусикий билим савиясини таркиб топтирувчи умумий билим, тушунчалар мажмуасини ташкил этади.

Мусика саводи барча фаолиятларни назарий жихатдан бирлаштирувчи фаолият сифатида мухимдир.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

1.Акбаров И.А. Мусика лугати.Т., 1987

2. Вахромеев Б.А. Мусиканинг элементар назарияси. Т.,1980

3. Красинская Л. Уткин В. Элементарная теория музыки.М.,1991

4.Музыкально энциклопедический словарь. М., 1990

5.Хвостенко В. Задачи и упражнания по элементарной теории музыки. М., 1964

6. Фридкин Т. Практическое руководство по музы- кальной грамоте. М., 1981

# МУНДАРИЖА

Кириш……………………………………….……. . . . . 2
2.Ритм ва метр хакида тушунча………………….. .4
3.Оддий ва мураккаб метр ва улчовлар…………..6
4.Аралаш ва узгарувчан метр ва улчовлар. . . . . . 8
5.Дирижёрлик коидалари. . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 10
6.Мусика маданияти дарсларида метр ва улчовлар турларини ургатиш боскичлари. . . . . . . . . . . . . . . . . . .11
7.Хулоса……………………………………………13
8.Фойдаланилган адабиётлар ………………… . .14